Prime Minister of the Cabinet of Ministers

Chairman of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan

Image not found or type unknown

Ermanov Farxod Urazbaevich

Date of birth:

Place of birth: district

Education: higher

Completed:

Work experience:

2022 - present - Chairman of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan

Address: Nukus, st. Garesizlik, 50

Reception days: every week on Monday from 16:00 to 18:00 at the reception of the Council of Ministers (1st floor).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг

Функционал вазифалари:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқада қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бошқада қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорлари ижросини таъминлайди;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқада қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг бошқада қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиб, Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудида ижро қилиниши шарт бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциялари ҳамда “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қонун асосида фаолият олиб боради.

- Ҳукумат фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг ўз ваколотларини самарали амалга ошириш учун чора-тадбирлар қабул қилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, сессиялар оралиғидаги даврда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсатига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарларини ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аъзоларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида таклифлар беради;

- Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарлари орасида вазифаларни тақсимлайди ва кейинчалик уни Вазирлар Кенгаши Раёсатига тасдиқлашга тавсия этади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, сессиялар оралиғидаги даврда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсатига Қорақалпоғистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар киритади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисида таклифлар киритади;

- Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларига раҳбарлик қилади;

- Вазирлар Кенгаши фаолиятида коллегияликни таъминлайди;

- Вазирлар Кенгашининг тегишли комиссиялари ва кенгашларига раҳбарликни амалга оширади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисида муҳокама қилишни талаб қилмайдиган давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

- ўз ваколотлари доирасида қонун томонидан белгиланган бошқа ваколотларни ҳам амалга оширади.